

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

БҮГҮН
6.15 — Тонгги концерт, 7.45 — Педагогика фанлари кандидати И. Хакимовнинг «Чет тилларни ўрганиш» деган суҳбати, 8.25 — Лирик концерт, 9.30 — Шарқ куйлари, 10.10 — «ТАБАССУМ» радиожурнали, 11.35 — «Баҳор» ансамбли создаларининг концерти, 12.15 — «Эртакчи салом» (Москва), 13.30 — «Хатларингизни ўриб», Концерт, (русча), 15.10 — Эстрада концерти, 16.10 — В. Маяковский «В. И. Ленин» поэмаси асосида радиокомпозиция, 17.40 — Эфир англоликлари, 18.00 — «Музыкали глобус» 18.40 — Ф. Лист. Моцартининг «Дон Жуан» операси темаларида фантазия, 19.20 — Кўшқ ва рақслар, 20.00 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси, 21.00 — «Мамлакат ва қишлоқларда», 21.10 — Қишлоқ хўжалик қўлмаларининг талабларига мувофиқ концерт, 22.20 — «Табабсум» радиожурнали, Танқорий эшитириш, 23.20 — Кечги концерт.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 февраль кундуз соат 2 да
4-6 СИНФ МАКТАБ
ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН
МУЗИКАЛИ ЛЕКТОРИЯ
1 АБОМЕНТ БҲНЧА
ТУРТИНЧИ
КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ
ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ
(СССР халқларининг ашула, музика ва рақслари).
Лектор — музикашунос
АБДУРАШИД САНДОВ

Шу йил 9 февраль эрталаб соат 10да Алишер Навоий ижодини ўрганишга бағишланган XIV антаъини илмий

КОНФЕРЕНЦИЯ 93 ИШИНИ БОШЛАЙДИ

Барча қизиққан ўртоқлар конференцияда иштирок этишлари мумкин.
Мажлис Тоғол кўчаси 70 ўй да ўтказилади.
Навоий номиди, А. С. Пушкин номиди Тил ва адабиёт институти.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МЕХНАТ ОМОНАТ КАССАСИ ВА ДАВЛАТ КРЕДИТ БОЎҚАРМАСИ аҳолига маълум қилдики 1947 йилда чиқарилган 3% Давлат ички ютуқлар займи бадалини қайтариш ва ютуқларини тулаш 1970 йил 1 июлгача

УЗАЙТИРИЛДИ

Шу облигациялари бўлган шахслар кўрсатилган муддатгача омонат кассаларида барча ўтказилган тиражлар жадвали бўйича аймаларини текшириб ютуқ ва займининг бадалини қайтариб олишлари мумкин.

СИРДАРЕ ПАХТА ТАЙЕРЛАШ ТРЕСТИНИНГ ИЛЙИЧЕВ РАЙОНИДАГИ ВОЛКОВ НОМЛИ ПАХТА ЗАВОДИГА

ИШЧИЛАР: жин ва лентер машиналарида ишловчилар, прессчилар, электрчилар, слесарлар, электр пайвандчилар, тоқарлар, тунуксозлар, пахта тозалаш бўйича инженер ва техниклар, бухгалтерлар, меҳнат бўйича инженерлар план тузувчи ҳамма касбдаги ишчилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ОЛМАЛИҚ ШАҲАР СОФИЎНИН САҚЛАШ ВЪЛИНИГА

акusher — гинекологлар, педиаторлар ва участка терапевтлари

КЕРАК

6-7 ой ичда турар-ной берилди.

Мувожаат учун адрес: Тошкент области, Олмалиқ шажри.

Ўзбекистон ССР Халқ контрол комитети Самарканд области халқ контрол комитетининг ралси

Муҳаммадхон УМАРОВНИНГ

фононали халок бўлганини билдириб, унинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ректорати, партия, касба союзи ташкилотлари қадимчи ва ўрта асрлар тарихи кафедрасининг доираси

Абдуқодир ҚИРҒИЗБОВНИНГ

узок давом этган касаллидан кейин вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЧЕМПИОН... БАЛИҚ

БАЛИҚЛАР ичда энг тез сузадиган шай. шир-балиқдир. Бу балиқ бир соатда 100 километрдан ортироқ масофани сузиб ўтади. Ақула ва пиланида ҳам жуда тез сузади.

ҚАНОЛАТ... ДАРАХТЛАРИ

СОЧИ ва Гаграда ёз бошлиғини биланок болалар кун бўйи дарахтлар шохидан тушимайди. Қора денгиз қирғоқларида ўрника ўхшаш дарахтлар ўсади. Бу дарахтларда қандолатчаларга ўхшаш мева бўлади. Мева усти шарбат билан қопланган. Бу дарахтнинг гулида ҳам ҳар хил витаминлар кўп. Мевасининг таркибда 35 процент шакар моддаси бор. Табиий қандолатчалар инсон учун жуда фойдали, шифоберкидир. У бўлга касалка хшш малҳам бўла олади.

АСАЛАРИ ВА... ГЕНЕРАЛЛАР

ГВАТЕМАЛАДА (Марказий Америка) президентлар жуда тезтез ўзгариб турмишган. Генерал Хорхе Убико президент бўлган пайтда мамлакатда тартиб ўрнатилган қаттиқ қоралар кўрган. Убико вилоятларга бораётганини эшитганда губернаторлар эир-эир титраб турар экан. Президент вилоятларини айланиб юрганида уни асалари қачиб олибди. Шундан сўнг ҳукмдор асалари киларини йўллардан бир километр ичкарига қўйиш тўғрисида фармон берган. Бу фармоннинг чиқанига 40 йил бўлди. Қанча-қанча президентлар алмашибиб кетди. Лекин фармон ҳали ҳам бекор қилинган йўқ.

Утган асрнинг охирида ҳам ана шундай воқеа бўлган. 1890 йилнинг баҳорда Москва генерал губернатори князь В. А. Долгоруков Москва шаҳрида асалари сақлашни ман этишчи мажбурий фармонни чиқарган эди. Асаларичилар ҳукумат сенатига даъво қилвериб, саниқс йилдан кейин бу фармонни бекор қилдиришган эдилар.

ЯНГИ ДОРИ

УРАЛ ўрмон-техника институтининг олимлари аччиқ бодом, ярибана-миллаш ва оличаннинг донасидан янги дорини амнидаки ажратиб олдилар. Бу дорини юрак касалликларини, қон томирларини даволашга ёрдам беради.

ТЕОДОРАКИСГА ОЗОДЛИК

БЕРЛИН, 6 февраль. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси немис композиторлар союзи президиумининг аъзои мурожаатга кнзо чекиб, бу мурожаатга мард грек ва таппервари Микис Теодоракисни қамқондан бўшатини талаб қилдилар. Мурожаатда ўқтириб айтиладик, композиторнинг ҳаёти ҳаф остида турибди. Немис композиторлари ва музикашунослари союзи Микис Теодоракисни қутқариш учун халқаро комитет тузилсин деган тақдирни қувватлайди.

КЎНГИЛАСИЗ ВОҚЕА

ЛОНДОН. (ТАСС). Англиянинг Суффолк графлиги территориясида қойлашган АҚШ ҳарбий хаво базасидан қўтарилган Америка «Сюпер Сейбр» кирувчи самолётининг учувчиси маъш маъсида бомбардирмон қилиши керак бўлган полгон томон учиб кета туриб, бўлда янгилириб «Осмон — Ер» классиди ракетани отиб юборди.

Редактор

М. ҚОРИЕВ.

Псевдафинуси тутзорларга тарқатиш технологияси ишлаб чиқилди.

Бу ишни бажариш ҳамма хўжаликларнинг қўлидан келади. Бунинг учун қилинган ҳарамат ўттиз барабар кўп фойда олиш билан қопланади. Шу сабабли масала, Ўзбекистонда тўқиз миллион туп тут дарахтидан саниқс миллион тупи мана шу меҳридон дарахтлар ҳимолсига бериб қўйилганлиги ҳам тасодифий эмас.

Бу ҳашаротлар шафтоли, нок, анор каби бошқа мева дарахтларининг кўпларини ҳам комистон кўртдан ҳимоя қила олади.

СССР Қишлоқ хўжалик министрилигида ТАСС мухбирига айтишларига қараганда, қини бир-икки йил ичда мамлакат жанубидаги мевазорлардан эллик минг гектардан кўпроғига псевдафинус ҳашароти тарқатилди.

КОМСТОКНИНГ КУШАНДАСИ

Псевдафинус деб аталган жуда майда ҳашарот жанубдаги кўпгина хўжаликларнинг пилла ҳосилини 25 процент кўпайтиришларига ёрдам берди. Мутахассислар «Ҳар бир ҳашаротнинг кушандаси бора» деган биологик методдан моҳирин билан фойдаландилар. Псевдафинус тутнинг энг ёвуз душмани — комистон кўртдан кўтарди. Илган кўрти учун барг кўпайди. Пилла ҳосили ошганининг сабаби ҳам мана шунда.



Африкадаги Найроби шаҳри марказида янги меҳмонхона қурилди.

Юмалоқ шаклдаги меҳмонхонада қитъадаги энг йирик ресторан жойлашган.

С. Кулик - фотоси. (ТАСС).

ЛИВАНДА ЛЕНИН КУНЛАРИ

БАЙРУТ. ТАСС мухбири Ю. Степанов ва Н. Фидатов хабар берадилар:

Ливаннинг прогрессив ва танпарвар жамоатчилиги жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосини, бутун дунё меҳнатқашларининг улуг аўлобчиси В. И. Ленин тутилган кунини юз йиллигини тантанали нишойлашга тайёргарлик кўрмоқда. Ливаннинг таъқиди жамоат арбоби Керим Мруе социалистик мамлакатларнинг журналистлари билан учрашувда шу гапларни айтди.

Ливанда, шунингдек бошқа араб мамлакатларида, деда Мруе, Ленин юбилейи империализм ва Исроил агрессиясига қарши, шунингдек ички реакция ҳамда араб халқларининг миллий озодлик ҳаракати бирлигини бузишга қаратилган турли оппортунистик оқимларга қарши кескин кураш вазиятида нишонланмоқда. «Шу шароитларда, — деб таъкидлади у, — Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлиқни мустаҳкамлаш, берча муваффақиятларимиз ва ғалабаларимизнинг гаровидир».

Шу шонли санани байрам қилишга тайёргарлик кўрмоқ учун Ливанда миллий комитет тузилди. Мамлакатнинг таййиди давлат ва жамоат арбоблари шу комитет составига киритилди. Комитет ишлаб чиққан программа апрель ойида В. И. Ленин тутилган кунини юз йиллигига бағишлаб Байрутда тантанали кеча ўтказишни кўзда тутди.

АМЕРИКА СУДИ ВА АЖАЛФУРУШЛАР

ВАШИНГТОН. ТАСС мухбири Л. Жегалов хабар беради:

«Химия ва бактериология қуролини тақиқлаш тўғрисидаги халқаро битимларни бузишда, шунингдек уруш олиб боришнинг химия ва бактериология воситаларини ишлаб чиқаришни ва топниш тўғрисидаги талаб қилган Америка халқи олдида жавабгар бўлишдан ўзини қутқариб қолиш учун уришда айбланаётган «Дуо кемикл» компаниясига қарши суд иши кўзғотилади».

Жанубий Вьетнамдаги экинларни ва тивч аҳолини яқсон қилмон учун Пентагонга химиявий ва заҳарловчи моддаларни доимо етказиб бериб турган ҳаммага маълум «Дуо кемикл» компаниясига қарши жамоатчилик томонидан қўйилган бу айбномага урушга қарши ҳаракат активистлардан бир қанчаси: шунингдек АҚШнинг кўзга кўринган олимлари, шу жумладан Гарвард университети профессорси Нобель мукофоти лауреати Ж. Уолдс. Вашингтондаги сисей тадқиқотлар инсти-

тутининг профессори Н. Раскин, АҚШнинг Вьетнамдаги урушга қарши норозилик ҳаракатининг раҳбарларидан бўлган олим С. Мичем кўл қўйдилар.

Урушга қарши ҳаракат активистлардан бўлган ва бултур март ойида «Дуо кемикл» компаниясининг Вашингтондаги маъмурий Баситига кириб олган тўқиз кишининг «иш» юзасидан Америка маъмурилари суд ўтказётганликлари сабабли компания маъмуриятга қарши айбнома эълон қилинди.

Америка журналистларини кўплари Вьетнамдаги урушга қарши курашган мана шу ёшларни мардлар, тўла деб атамоқда. Шу мардлардан «тўқиз» киши компаниянинг муҳим фаолиятига қарши норозилик билдириш мақсадида «Дуо кемикл» компанияси бияоларининг деворларига ва қонлари билан урушга қарши шпорлар ёзиб, компаниянинг Пентагон билан ёшишлардан иборат архивини йўқ қилиш ташлаган эдилар. Бунинг учун суд қилинаётган шу мард йигитларини

«мулкни яқсон қилганликлар» учун узоқ муддатда қамқонга ҳукм қилишлари мумкин. Бироқ, ҳатто Америка маъмуриятининг кўпгина органлари ҳам бу йигитлар қилган ишнинг сисей характердаги иш деб эътироф қилишга мажбур бўлишди.

Урушга қарши жамоат ташкилотлари шу кунларда АҚШ ҳарбийларининг «Дуо кемикл» компанияси маъмурият билан Вьетнамда қилган жиноятларини Америка халқига яна эслатмоқдалар.

Шу билан бир вақтда АҚШнинг прогрессив жамоат арбоблари урушга қарши ҳаракат активистлардан мана шу тўқиз кишини ҳимоя қилиш фондига маблағ тўламоқдалар.

Бу ерда эълон қилинган айбнома мамлакат жамоатчилиги Америка судидан Вьетнамдаги урушга қарши қилинган қамқондан бўшатилиш ва «Дуо кемикл» компаниясини ажалфурушларнинг қилиш суд қилишни талаб этганлигини кўрсатиб турибди.

ТРИБУНАЛ ҲУКМИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Мардид трибунали пойтахт университетини студентларидан тўрт кишини ҳукм қилди. Уларнинг ҳар бири 6 ой муддат билан қамқо жазосига ва 10 минг песетдан зарима тўлашга ҳукм қилинди. ЮФИ агентлигининг хабар беришича, улар фалсафа ва адабиёт факультетлари студентларининг университет территориясида қуролланган полициячилар туршишга қарши норозилик билдириб 1968 йил 15 февралда ўтказган намойишда қатнашган.

лилари учун ҳукм қилинганлар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центральной Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Визининг адрес ва телефонлари: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 336545 Редактор ўринбосарлари — 337914, 339328, Масъул секретари — 334455, Масъул секретари ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333466, Марксизм-ленинизм назоратининг пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистнинг гарбий — 331455, Санават капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221, Фан, маънаф ва олий ўқув юрталари — 334451, Махаллий «аҳборот ва спорт» — 332347, Оқимайиш ишлаб ва қатлар — 338679, 333363, Илмостроения — 334524, Стенография — 337343, Корректура — 337162, Ёшларлар — 338142, Коммутиатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон - 48-85, Вухоро-31-42, Қарши 38-42, Наманган 46-60, Нукус - 42-62, Самарканд 31-972, Термиз 23-27, Фарғона 41-88, Ўрганич 34-55, Гулистон — 22-09.